



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНТЕРАКТИВ ВА ИНТЕРФАОЛ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Кочкорова Олимаҳон

Фарғона давлатуниверситети

2-босқич магистранти

Мирзараҳимова Зилолаҳон

Фарғона давлатуниверситети

2-босқич магистранти

Юсубжонова Ферузаҳон

Фарғона давлатуниверситети Ўқитувчиси

Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий тараққиётида улкан ўзгаришларни содир бўлаётганлиги барчамизга маълум. Турли фан ва соҳаларнинг жадал ривожи бизга турли имкониятлар эшигини очиб бермоқда.


Дунё саҳнасида рўй бераётган хар қандай воқеа - ҳодисадан воқиф бўлишда ва бундай имкониятлардан самарали фойдаланишда биринчи бўлиб чет тилларни билаш зарурати туғилади. Кўп тилларни билиш бугунги давр ва тараққиёт талабидир.

Маълумки, хар бир давлатнинг ривожланишида ўз касбини пухта эгаллаган, маълакали кадрлар тайёрлаш катта ахамият касб этади. Республикаизда хар томонлама ривожланишни кўзда тутган холда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ишлаб чиқилган. Бу дастур ўз олдига бугунги кун ёшларини хар томонлама етук ва баркамол етишишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бугунги тараққиёт талаба ёшлардан янгича фикрлашга, янгича тафаккур қилишга, хар томонлама билимдон ва ўз фикрларига эга бўлишни талаб этмоқда. Талаба ёшларни бугунги кун сахнасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишида хорижий тилларни пухта эгаллаши муҳим ахамият касб этади.

Чет тилларни ўрганиш мураккаб ходиса бўлса уларни ўргатиш унданда мураккаброқроқ ходиса саналади. Ўқитувчи ўзидағи билимни талабаларга етказиб беришда, ўрганилаётган фанни тушунтириш ва осон бўлишини таъминлашда ундан катта махорат талаб қилинади. Бунинг учун хар бир ўқитувчи бугунги кунда таълим тизимида кенг қўлланилаётган педагогик технологиялар хақида маълумаотга эга бўлишива ундан фаолияти давомида самарали фойдалана олиши керак.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун”да хорижий тилларни ўргатишда замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги таъкидланади.





Технология атамаси грекча “техно” сўзидан олинган бўлиб санъат, маҳорат деган атамани англатади. Дарс самарадорлиги асосан ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларга боғлиқ. Педагогик таълим технологияси – билим бериш соҳасига ижодий ёндашиш, бор билимини иш фаолияти сифатини оширишга, педагогик маъсулият, мақсадга интилиш каби хусусиятларни шаклланишига таъсир кўрсатади. Педагогик технология ўқитувчиларга ўқув фаолиятида зараур бўлган умумий педагогик малакалар. Мажмумидан ташкил топади.

Чет тили дарси жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш тингловчини тилга бўлган қизиқишини уйғотади, уларни билим ва малакларини юқори савияди бўлишини таъминлайди. Замонавий педагогик технология шаклига кўра эркин таълим, ноанъянавий маўғулот ва фаўллаштириш услугига кўра изланиш, муаммоли вазиятларни ҳамл этиш, мустақил ижодий эркин фикрлашдир.

Чет тилини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бу – таълим муассасаларининг тубдан яхшилаш, уларни замонавий техник воситалар билан, ахборот воситалари, комъютерлар, лингвафон хоналари билан жихозлашва улардан унумли фойдалана билиш давр талаби бўлиб қолмоқда.


Бундай техник воситалар талабаларни ижод қилишга ундейди ва шунга имконият чратади.

Ўқув – тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслиҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувидан қўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув –тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганилиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ. Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нутқи назарларини асослашга имконият яратади.

Умуман олганда дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллашнинг асосий мақсади талабаларни мустақил фикрлашга ва ўз фикрларини эркин эркин ифодалай олишга ўргатишдир.

Инглиз тили дарсларида муаммоли вазият каби ўқитиш методларидан фойдаланиш талабаларни касбий фаолияти самарадорлигини яхшилашга ёрдам беради. Ва уларни ижодий фикрлашга ундовчи метод сифатида алохида ахамият касб этади.

Интерфаол бу ўзаро, харакат қилмоқ ўзаро харакат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол усулувиётлари билиш ва





коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчи ларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундан педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши; ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини домийлигини таъминланиши; ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равища ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши; педагогик ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равища ташкил этишлари киради.

Интерактив усул – бу ўқитувчи ва талабалар орасида ўзаро ҳамкорлик туфайли дарс самарадорлигини оширишdir. Янги дарсни ўқувчи ёки талаба мустақил харакат, мулохаза, баҳс-мунозара орқали ўрганади. Қўйилган мақсадга мустақил ўзи фаол иштирок этган ҳолда жавоб топишга харакат қиласади. Фикрлайди, ёзди, баҳолайди, асосийси ўзи иштирок этади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими니 ислоҳ қилиш ходимларнинг янги авлодини юқори касбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий хаётга мустақил мослашиш кўнилмалари ҳамда истиқбол режаларни белгилаш ва хал қилиш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган. Мазкур вазифаларни амалга оширшда замонавий педагогик технологияларга алоҳида ахамият берилади.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ривожланишининг мухим шарти замонавий иқтисод, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизмига амал қилиш бўлиб хисобланади. Шундай экан ҳар бир ўқитувчи кадрдан юқори малакали, рақобатбардош ўқитувчи кадр бўла олишии, ўз касбий омилкорликларини шакллантириши, методик маҳоратини кўрсата олиши ва бугунги тараққиёт талаби бўлган замонавий педагогик технологиялар билан қуролланиши талаб этилади. Шундай экан талабаларнинг билимини оширишимиз, уларнинг хато камчиликларини ўз ватида тўғирлай олишимиз уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш кун олида турган мухим вазифамиздир.

